



ПУДРАТЧИНИНГ КЎНГЛИ ТЎК

Пскент туманида галла ҳосили ҳар йилгидан мўл бўлди, ўрим-йиғимга ҳам анча барвақт ва уюшқоқлик билан киришилди

БУ ЙИЛ туман ҳўжаликларида 7250 гектар майдонга «Купава», «Улугбек» ва «Крошка» нав бугдой экилганди. Аввалги йиллар якунидан келиб чиққан ҳолда гектаридан 38 центнердан хирмон кўтариш режалаштирилиб, шу ҳисобдан шартномалар тузилди. Етиштирилмак 29 минг тонна галланинг 17 минг 650 тоннасини давлатга сотиш мўлжалланган.

ридан камида 38 центнердан хирмон кўтарилиши аниқланди. Дарвоқе, ўтган йили саноция шариоатида меҳнат қилган ҳўжалик галлакорлари туманда энг юқори — 36 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу эса фақат галланинг ўзидан 8 миллион сўмдан зиёд соф фойда олиш имконини берган эди. Умуман, саноцияга тушиб қолган, яъни иқтисодий инкирозга учраган ҳўжаликнинг ташқи бозорлар шариоатида ишлаб, йилни жами 36 миллион сўм соф фойда билан якунлагани меҳнатқашларда ишонч уйғотди, руҳларини кўтарди. Айниқса, пудратчиларнинг меҳнатлари-га яраша даромад кўра бошлаганлари уларнинг ҳамма соҳада фаолиятларини ошириб юборди. Натияжада бу йил нафақат галла, балки гўзанинг ривожини ҳам туман бўйича энг баланд.

Бутун вилоятда бўлганидек, пскентлик галлакорлар ҳам ўрим-йиғимга ҳар қачон-

сурсларига галла сотиш контрактация шартномаларини сўзсиз бажариш бўйича тузилган махсус жадвалга қатъий амал қилишни таъминлаш вазифаси юқлатилди.

Шунингдек, улар галлани ўриш, яъни ҳақиқатда нобудгарчиликка йўл қўймаслик, ҳисоб-китобларда қалбакичилик ва айниқса, талон-тарож қилинишининг олдини олиш масалалари билан ҳам шуғулланишлари.

«Галла — 2000»

жуд дон комбайнлари со-злаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Чўчки, 29та комбайн (шундан бештаси «Кейс» марка-злаштирилган усулда, яъни бир ернинг ўзидан таъмирланиб, синовдан ўтказилди) ва махсус комиссия томонидан қабул қилинди. Уларнинг ҳўжаликларида галланинг пишиб етилишига қараб, гуруҳ-га бўлиб ишлатиш режалаш-тирилди. Ҳар бир ўрим агре-гатида навбати билан ишлаш учун 2 нафардан комбайнчи бириктирилди. Улар ўрим оммавий бошланган кунданок ётқларини галлазорларга қўйишлар ва шу ернинг ўзидан иссиқ оват билан таъминланмоқдалар. Белгилан-

ган пайтда навбати билан дам оладилар. Комбайнларга тех-ник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар ҳам бевосита дала бошида амал-га оширилди.

Биз комбайнларни асо-сан икки босқичда ишлатмоқ-дамиз, — дейди туман киш-лоқ ва сув ҳўжалиги бошкар-маси бошчилигининг биринчи муовини Рўзиқул Умаров. — Яъни эрталаб галлазордан нам кўтарилганда ўримни бошлаб, тунда нам тушади-ган пайтда ишлатишни маъ-кул деб топдик. Шунда ком-байнлар ҳадб бузилмавермай-ди. Комбайнчилар ҳам вақти-да алмашиб, навбат билан ишлайдилар ва мавсумнинг охиригача бориб толиқиб қолмайдилар.

Раҳбарнинг гапига шуни қўшимча қилиш лозимки, га-ллани талон-тарож қилиш ҳам асосан тунда юз беради. Тун-ги ўримдан воз кечиш эса ўғрилиқнинг олдини олишнинг энг мақбул чораларидан би-ридир. Иккинчидан, ҳар бир картадаги ҳосил чўғи олдин-дан аниқланиб, махсус ҳў-жатлар билан расмийлашти-рилгани ва комбайнчилар им-зо қўйганлари боис улар ҳам назоратни қўнайтирадилар.

Бундан ташқари бу йил

«Тоза ҳаво» тадбири амалда

БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Бутун мамлакатимиздаги каби вилоятимизда ҳам жорий йилнинг 10 апрелдан 10 майгача «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди. Яқинда унга якун ясалди. Вилоят табиати муҳо-фаза қилиш қўмитасининг бош мутахассиси О. Ма-мазияев шу ҳақда қўйидагиларни гапириб берди:

— Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида «Тоза ҳаво» тадбири катта қизиқиш билан ўтказилди. Унда иш-тирок этган экологлар, дав-лат автомобил назорати, соғлиқни сақлаш ҳодимла-ри ва бошқа мутасадди таш-килотлар ҳамда жамоа ва-киллари шу даврда 25та автокорхона ва автоҳўжалик-лар ҳамда 24та автомобил-ларга ёниги қўйиш шохоб-чалари, минглаб автотранс-порт воситаларини текши-ришдан ўтказишди.

Тадбир давомида, айни-қса, ишлаб чиқариш салмоғи катта бўлган ҳамда автомо-биллар ҳаракати зич минта-қаларга алоҳида эътибор берилди. Чўночи, Олмалик, Ангрэн, Бекобод, Оханга-рон, Чирчик ва Янгийўл шаҳарлари ҳамда вилоят-нинг дам олиш масканлари жойлашган Бўстонлик, Пар-кент туманларида бу иш кенг қўламда олиб борил-ди.

Бу муҳим тадбирни ўтқа-зишга айрим корхоналарда жиддий эътибор берилди. Уларда табиати муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, кўплари белгиланган му-датларда амалга оширилди. Бу Оққўрғон, Янгийўл авто-бус-такси саройлари ва 5-сонли автобус-такси сарой-ларида яхши йўлга қўйил-ганиги маълум бўлди. Бу саройлар ҳамда Янгийўлда-ги «Кут-Барак» автомобил-ларга ёниги қўйиш шохоб-часи маъмуриятлари у би-лан жиддий шуғулланмоқда-лар, унинг жамоа саломат-лиги учун моҳиятини яхши тушушган ҳолда изчил иш олиб бормоқдалар. Бироқ бундай корхоналар бармоқ билан санарли даражада камдир. Қатор корхоналар-нинг мутасадди ҳодимлари автотранспорт воситалари-дан ажралиб чиқаётган за-ҳарли газ ва тўтун микдо-рини қамайтириш учун етар-ли иш олиб бормаяптилар. Бунинг устига назорат ва ўлчов асбобларидан самара-ли фойдаланмайдилар. Ай-рим жойларда улар ҳўжа-кўрсингачина ўрнатиб қў-йилган. Бунинг устига бун-дай ёрдамчи мосламалари давлат мезони кўригидан ўтказишда ҳам совуққонлик қиялтилар.

Қатор автоҳўжаликларида экологик постлар ташкил этилмаган ва уларга эколо-гия хизмати бўйича ҳоди-лар бириктирилмаган. Мас-алан, Охангарон, Ангрэн, Янгийўл автобус-такси са-ройлари, Ўртачирчиқ тум-анидаги 74-автотранспорт корхонасида шундай аҳо-лға дуч келинди. Шуниси ажабланарлики,

айрим автоҳўжаликларида ҳамда шахсий ва ҳусусий автомобилларга ёниги қўйи-ш шохобчаларида эколо-гияга доир меъёрий ҳўжат-лар расмийлаштирилгани ҳолда нефть маҳсулотлари-ни қабул қилиш, саклаш ва тарқатиш сиғимларидаги босим қанчаларни носоз ахволда. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмади. Оққўрғон туманидаги 44-«Памир-Биз-нес», Чирчикдаги 72, Ян-гийўл туманидаги «Гайрат» ҳусусий корхонасига қараш-ли ёниги қўйиш тармоқла-рида шундай қамчиликлар борлиги аниқланди. Биринчи босқич давоми-да автокорхоналар ва авто-ҳўжаликларида 408та транс-порт воситаси текши-рилган ўтказилди. Улар-нинг 54тасида ёки 13,2 фоизда зарарли газ ва ту-тун микдори меъёридан кўп эканлиги маълум бўлди. Бундай қамчиликларга йўл қўйганликлари учун корхо-наларнинг 7та мансабдор шахсларига нисбатан маъму-рий чоралар қўрилди. Улар-га жами бўлиб 15 минг сўмга яқин жарима соли-ни. Экологик носоз транс-порт воситаларини бошкар-ганликлари учун 131 нафар ҳайдовчига нисбатан давлат автомобил назорати ҳоди-ми-ли томонидан маъмурий баённома тузилди ва улар-дан 25 минг 600 сўм жарим-а ундирилди.

Текширувлар вилоят ҳу-дудининг туман ва шаҳар-лари ичидagi шохўчаларда ҳам олиб борилди. Йўллар-да қатнаётган 10 мингдан кўпроқ автотранспорт воси-таси кўздан кечирилди. Уларнинг сал кам 2 ярим мингтаси экологик носоз, деб топилди. Бундай авто-машиналар ҳайдовчилари устидан 633та баённома ту-зилди. Махсус ташкил этил-ган кўча устакхоналар ҳо-дими-ли эса 4 минг 18та автоҳўжаликнинг экология-ни бузаётган қисмларини со-злаб бердилар.

Бир ой давомида тўхтов-сиз ўтказилган текширув-лар шуни кўрсатдики, ви-лоятимизда экологик вази-ят жуда суст яхшиланиб бормоқда. Бу соҳада жуда кўп қамчилик ва нуқсонлар ҳамон содир бўляпти. Шу-нинг учун ҳам у вилояти-миз табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳодимла-ри бошқа мутасадди таш-килотлар билан биргалик-да атроф муҳити мутасад-лигини таъминлаш юзаси-дан ишларни тўхтовсиз олиб боришларини тақозо-этиди. Бу соҳадаги фаоли-ятимизни янада кенгайти-риш учун барча имконият-ларни ишга солашимиз.

Кўшма корхоналарда

Бу кўшма корхона республикамиз қандолатчилик саноатидаги мавкеи-ни йил сайин мустаҳкамлаб бормоқ-да. Бозор талабини пўхта ўрганиб, болгариялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда барпо этилган ушбу тадбиркорлик тузилмаси фаолияти-ни тўрт йил илгари бошлаган эди. Шу йиллар унинг учун ривожланиш даври бўлди. Махсулот ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб борди, унинг янги-янги турларини тайёр-лаш ўзлаштирилди. Энг муҳими маҳаллий ҳам ашёлардан тобора кенг фойдаланилди.

Хаммасислар унга «ROSSU — С. А.» деб ном қўйдилар. Янгийўлда жойлашган бу корхона тамғаси босилган ширинликлар сифати ҳам юқори мезонларга жавоб беради. Шунинг учун унга буюртмалар тўхтовсиз ортиб бормоқда. Эндилик-да унинг махсулотларини мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги савдо шохобчаларида учратиш мумкин.

Доимий миқозла-ри — супер-маркет дўконла-ри. Икки ўртадаги ҳамкор-лик шартнома асосига қўрилмоқда. Корхона жамоаси ўз фаолиятида бунга қатъий амал қилмоқда. Барча буюртмаларни ўз вақтида бажариш бу ерда қоидага айланган. Шундай йўл билан миқозларнинг ишончи қозонилмоқда. Бозор иқтисодиёти шариоатларида бу ҳам муҳим, Чўчки, миқоз ишончини йўқотиш фақат салбий оқибатларга олиб келади.

Кўшма корхона энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар Италия, Болгария, Туркиядан келтирилган. Ишлаб чиқариш жараё-нининг автоматлаштириш ва механиз-зация даражаси анча юқори. Ишчи-ларнинг кўпчилигини операторлар ташкил этиши ҳам шундан. Улар «ақлли» машиналарнинг ишлатиши, яъни технология жараёнининг бори-шини фақат кузатиб турадилар. Мураккаб техника воситаларини бошқаришда уларга болгариялик мутахассислар яқиндан ёрдам беришди. Жамоа ўз фаолиятини бошлаганида унинг тарихида фақатгина 20 нафар ишчи-хизматчи бор эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони 100 кишидан ҳам ошиб кетди. Шунга яраша махсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайиб борди. Бирги-на ўтган йили буюртмачиларга 440 тонна қандолатчилик махсулотлари етказиб берилди. Уни пулга қаққан-да 178 миллион 733 минг сўмликни ташкил этди. Шундай қилиб бир йил ичида унинг ҳажми бир ярим баравар ошди. Ишлаб чиқаришда эришилган бу юксак сўрьат жорий йилда ҳам давом этаёпти. Бунинг қандолатчиларнинг биринчи чоракда-ги ишлари натижаси ҳам кўрсатиб турипти. Шу даврда тайёрланган махсулот ҳажми 116 миллион 653 минг сўмликка етди.

Корхона жамоаси бозорини муттасил кузатиб унинг талаб-эҳтиёжла-рини ўрганиб бораёпти ва ўз ишида уни ҳисобга олмақда. Янги махсулот турларини ўзлаштиришда шунга амал қилипти. Шу кунларда хари-дорларга етказиб берилаётган ширинликларнинг хили ўн бештага етди. Уларнинг деярли ярмини шоколадлар ташкил этади. Бундай юқори тўйимли махсулотлар қадоқ-ланган ҳолда тайёрланмоқда. Шунингдек, уч хилдан печенье,

вафли зефирлар ҳам савдо шохоб-чаларига етказиб бериляпти. Қандо-латлар солинадиган бежирим, кўрмак, харидор эътиборини торта-диган қутчаларнинг ҳам бевосита корхонанинг ўзидан тайёрланаётгани айти мўддао бўлмоқда. Жамоа бу масалада ҳам четга қарам эмас. Махсулотларнинг яроқли мўддати олти ой деб белгиланган. Уларнинг ҳозиргача шу вақтдан ортқ дўкон-лар пештахталарида ётиб қолган ҳоллар маълум эмас.

Ишлаб чиқариш қўватларидан иложи борица тўлароқ фойдаланиш юзасидан бораётган саяй-ҳаракат-лар ҳам яхши самара берапти. Шу мақсадда иш ўч сменада ташкил этилган. Асбоб-ускуналарнинг бир маромда ишлаши учун уларга техни-кавий хизмат кўрсатиш пўхта уюш-тирилган. Механик, чилангарлар уларни мунтазам кузатиб турадилар, «арзиманган» носозликни ҳам пайсал-га солмай зудлик билан бартараф этадилар. Ишчи-хизматчиларнинг иш натижасидан моддий манфаат-

дорлик-лари ҳам ортиб бораёп-ти, олаётган ўртача маошла-ри 12 минг

МАКСАД ХОРИЖГА ЧИҚИШ

сўмга етди. Унинг миқдори бундан кейин янада кўпайиб бориши кўтил-моқда. Бир маромда ишлаш бунинг учун янги имкониятларни юзага келтиради.

Бу ерда ишлаб чиқаришни кен-гайтириш ишлари шу кунларда ҳам давом этапти. Чўноччи, печенье тайёрланадиган технология линияси-нинг қўватини оширилмоқда. Бу иш ниҳоясига етгач, бир кунда печенье ишлаб чиқариш икки тоннага кўпая-ди, кўшимча 15 ишчи ўрни яратила-ди. Жамоа ўз махсулотларини экспортга чиқариш имкониятларини ҳам изламоқда. Қозғистон, Қирғи-зистон республикаларидан миқоз-лар топиш ҳаракати давом этмоқда. Уларнинг айримлари билан ният шартномалари тузилган. Корхона ширинликларининг чет эл бозорла-рига чиқишига шўбха йўқ. Чўчки, улар юксак талабларга жавоб бери-ш билан ажралиб туради.

Жамоа кўнгилдагидек ишлаётгани учун шаҳар бўйича ириштирилаётган тадбиркорларнинг кўрик-танловлари-да ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. У «Ташаббус—99»да Янгийўл бўйича биринчи ўринни эгаллади, кейинги кўрик-танловда эса шохсупанинг иккинчи поғонасига қўтарилди.

Республикамиз Президентининг «Экспорт махсулоти ишлаб чиқарув-чиларни рағбатлантириш борасида-ги кўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида»ги шу йилнинг 5 июнидаги Фармони, — дейди кўшма корхона бош технологи Марҳамат Назарова. — Бизнинг бу йўналишдаги саяй-ҳаракатларимизни янада қучайти-ришга ундамоқда. Унда белгиланган янги имтиёзлар айти мўддао бўлди. Бу ҳар бир меҳнат жамоасини махсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорт қилишлари учун кулай имкониятлар очиб беради, ундан оддий манфаатдорлигини кескин оширади. Биз ҳам бу имтиёзлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Қандолатчиларнинг эришилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот озиқ-овқат мах-сулоти билан янада кўпроқ тўлди-риш йўлидаги интилишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.



Ёшларни мактабдаёқ она юртимизга са-доқатли, маънавий етук, чўқур билимли, юксак иродали ва жисмоний бақувват қилиб тарбиялашга бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Бу борада Ангрэн шаҳридаги 20-иқтиссослашган мактаб интернатда амалга оширилаётган тадбирлар ибратлидир. Бу ерда ҳар бир машғулот тар-бия, ахлоқ мавзулари билан боғлиқлиги одат тусига кириб қолган. Айни пайтда дарсдан

ташқари пайтларда «Сени севамиз ўзбекис-тон», «Бадий адабиёт ва ёшлар маънавия-ти», «Маънавий бойлик деганда нимани ту-шунасиз?» каби кечалар тез-тез ўтиб тура-ди.

СУРАТДА: мактаб интернатнинг магна-вий ва маърифат бўйича директор ўрин-босари Нозимжон Ҳикматов (ўнган учин-чи) ўқувчилар билан мулоқотда.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

«АЁЛ ВА ДИН»

Бўка туманидаги «Агротехсервис» коллежида шу мавзуда семинар-кенгаш бўлиб ўтди

Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, маънавият ва маъ-рифат маркази ҳамда ҳўжа-лик ва маҳаллаларнинг хо-тин-қизлар билан ишлаш бўлимлари фаоллари ишти-рок этдилар. Тадбирда дин-

шунос Манзура Холматова, вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ҳўжаева ва бошқалар маъруза қилдилар. Қизгин мунозараларга бой бўлган бу йиғилишда аёллар

ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофича жавоб олдилар.

Малика МИРЗАЕВА, Бўка тумани маънавият ва маърифат маркази раиси.

БОЛАЖОНЛАР АРДОҚЛАНДИ

«Соғлом авлод йили» муносабати билан пойтах-тимиздаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғига вилоят ички ишлар идораларида хизматини ўташ даврида фожияли ҳалок бўлганлар ҳамда шахсий таркибининг кўп болали ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ҳодимларнинг 2004 нафар оила аъзолари ва фарзандлари тақлиф этилди.

Тадбирни қизиқарли ва мазмунли ўтказиш мақса-дида истироҳат боғининг турли жойларига саҳналар ўрнатилиб, вилоят ИИБ-нинг «Гўзал Турон» даста-си, ҳушовоз хонандалар Равайн Комилов, Ниуфар-хонимлар ижро этган дил-рабо куй ва қўшқалар ян-гради. Шунингдек, Тошкент Давлат цирки артистлари-нинг чиқишлари йиғилган-ларга ҳушнуалик бахш этди.

Шу кунги истироҳат бо-ғининг ҳамма ўйингоҳла-ри болажонлар ихтиёрига бериб қўйилди. Бу ерда ўтказилган спорт мусоба-қалари, қувноқлар ва зук-колар, ўта зеҳнийлар кўрик-танловлари ҳамда «Бахтли болалигим», «Ўзбекистон — дўстлик ва

тинчлик мамлақати» ма-вуздаги ёш рассомлар кўргазмалари ва асфальт-га расм чизиш ўйинлари фойдалари вилоят ИИБ бошчилигининг қимматбаҳо совғалари, дипломлари ва спорт анжомлари билан тақдирландилар.

Байрам тантанасида бо-лажонлар учун турли ноз-неъматлар билан безатил-ган байрам дастурхони ёзилди. Улар музқаймоқ-ҳўрик қилдилар. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ИИБ раҳбарлари ҳамма вилоят фахрийлар кенгаши фаоллари мазкур байрам шодиёнасининг кўнгилли ўтишига муносиб улуш қўшдилар.

Мақсуда СУЛТОНОВА.

Паркент туманида ҳар йили галла ўрим-йиғимига киришиш олдида туман галла-корларининг хирмон бошида йиғилиб, бир пиёла оёқ баҳонасида маслаҳатлашиб олади-ган удумлари бор.

Бу йил ҳам 8354 гектар майдонда мўл-қўл галла ҳосилини етиштиришга муваффақ бўлган паркентликлар ўрим олдида «Гулбоғ» ширкат ҳўжалигининг сўлим дала шийпониди гурунлашиб олдилар. Тадбир мобайнида туман галлакорларини

Тадбирда туман ҳокими Мирзамашраб Кўчмев галлакорларни қўлаб, илгорларга қимматбаҳо мукофотлар топириди. Паркент далаларида ўрим-йиғим ишлари бошлаб юбо-рилди.

ГАЛЛАКОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

хушовоз хонандалар Гиёс Бойтоев ва Нурид-дин Хайдаровлар ўз қўшқилари билан ҳуш-нуд этдилар. Тадбирда туман ҳокими Мирзамашраб Кўчмев галлакорларни қўлаб, илгорларга қимматбаҳо мукофотлар топириди. Паркент далаларида ўрим-йиғим ишлари бошлаб юбо-рилди.

Тўйчи ДЎСМАТОВ.

ЁШУ ҚАРИ МИННАТДОР

лаган фирмада меҳр-му-рувват кўрсатиш бора-сида талайгина савобли ишларни амалга оши-ришган. Қуни кеча эса қария, муҳтожларга 18 минг сўмлик меҳр-мурув-ват ёрдами кўрсатилди. Шаҳардаги ёш қари фирманинг жонкуяр, меҳрибон ҳодимлари хизматидан жуда мин-натдор бўлмоқдалар.

Зухра ХАЙДАРОВА.

Чирчикдаги «Электро-кимёсаноат» ишлаб чи-қариш биравласи жамоаси бозор талабларини ҳисоб-га олиб, ҳалқ истеъмоли махсулотлари ишлаб чи-қариш ҳам кенгайтириш йўлидан бормоқда.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА МЎАЖАЛЛАНГАН

Шу йилнинг беш ойи да-вомида истеъмол бозори учун мўлжалланган махсу-лотларни тайёрлаш 102 фоизни ташкил этди. Агар бу соҳадаги ўсишни ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан солиштирсак, у янада салмоқли бўлиб, 120 фоизга боради. Истеъмол-чиларга етказиб берилган махсулотлар орасида ту-қувчилик, пластмасса би-юмлари, турли хил рўзгор анжомлари, қадоқланган маъданли ўғитлар ва бош-қалар бор. Шундай махсу-лотлар тайёрлашга ишти-сослашган цех жамоаси кўлга киритилган ютуқлар-ни янада мустаҳкамлаш учун кўтаринкилик билан ишламоқда.

Собир ҲАМИДОВ.

ОШҚОЗОН ДОШҚОЗОН ЭМАС

ҲАР ёз мавсуми бошланиши билан биз шифокорлар ошқозон ичак касалликларининг олдини олиш ҳақида кўпроқ гапириб қоламиз. Бу бежиз эмас, мева-чевалар гарқ пишган, сабзавот маҳсулотлари етилган айни шу паллада ана шу дардга чалиниш кучайиб кетади. Хасталикнинг тури ҳам анчагина: вабо, ичбуруқ, тиф, салмонеллез ва ҳоказо. Шунини айтиш керакки, касалликнинг микроби ўта майда, лекин ташқи муҳитга чидамли.

Ифлос сувлар, туриб қолган овқатлар, ювилмай истеъмол қилинган мева-чевалар, сабзавотлар ана шу дарднинг манбаи ҳисобланади. Бу касалликка чалинган бемор ҳам базилла ташувчилар каторига киради. Ўткир юқумли ошқозон ичак касалликлари ичида энг оғир вабодир. У, аввало, киши организмда ингичка ичакни жароҳатлайди. Касаллик тўсатдан қорин оғриб, ич кетиш билан бошланади. Бу дардга чалинган инсон кеча-ю кундуз катнаш борасида тиним билмай қолади. танаси кўп суви йўқотиши тўғайли тезда озиб бадан кўриниши кўкмирт тўсга киради. Бемор ҳолсизланиб қолади.

Ҳар йили ана шу касалликнинг тафсилотини баён қилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишимизга қарамай, унга чалиниш қамай-мапти. Сабаби айрим жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашга эътибор берилмапти. Умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, болалар муассасаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётганлиги ҳам касалликнинг қанот ёзишига сабаб бўлмоқда. Ўткир юқумли ошқозон ичак касалликларидан сақланишда нималарга риоя қилиш керак, деган савол тўғилиши табиий. Аввало, аҳолини водопровод суви билан таъминлаш керак. Мабодо бундай сув бўлмаганда, ариқ сувини,

албатта, қайнатиб ичиш таъсия этилади. Санитария-эпидемиология назорати томонидан ман қилинган очик сув хавзаларида, канал, дарёларда асло чўмилмаслик ва бундай сувларни ичмаслик, ҳўжалик зарурияти учун ишлатмаслик керак. Оқар ва бошқа очик сувларга ҳар-хил чиқиндиларни ташлаш ана шу дардни иктирий қақириб олиш демакдир. Умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, болалар муассасаларида тозаллик каттиий риоя этилиши лозим. Ана шу жойларда ишлайдиган ҳар бир хизматчи ўз вақтида тиббий муассасаларда ёки лабораторияларда кўридан ўтиши керак. Ҳар қанчонидек, овқатланишдан олдин кўллари яхшилаб совунлаб ювиш, шахсий тозалликка риоя этиш касалликка чалинмасликнинг бирдан-бир кафолати дейиш мумкин.

Тўрабой ЗУПАРОВ,
вилоят СЭСи бўлим
мудир.

АЁЛ

Сўрасан замоналар садо беради,
Орзулар, армонлар садо беради,
Салтанат, давронлар садо беради,
Ҳамisha азизу, мўғтабар Аёл!

Низомий сўз дури бир-бир терганда,
Ҳофиз бир хол учун шаҳар берганда,
Навоий гулим деб мафтун турганда,
Таврифинг ким этар муҳтасар Аёл!

Булбул хонишдан алласи гўзал,
Гулларнинг атридан нафиси гўзал,
Камалакдан кийган апласи гўзал,
Бари гўзаликдан муаттар Аёл!

Яхшиям Аёл бор — меҳри асрайди
Дунёни эзгу бир сехри асрайди,
Вафо ҳаё деган нахри асрайди,
Оламини эътиди муанбар Аёл!

Бешикни тебратган қўлинг бор бўлсин,
Буюк эрта сари ўзинг бор бўлсин,
Эзулганка эш дилинг бор бўлсин,
Айла ҳар юракни мунавар Аёл!

СОҲИБҚИРОН

Бир сахар қўлимга тутганда қалам,
Жўшқин туйғуларим кўнди сатрга,
Мамнулик чўлғиди қалбимни шу дам,
Соҳибқирон бобом келди хотирга.

Ҳаёт бу яшмоқ осонмас асли,
Кўлдор юв қўйғучи қажбахш шотирлар,
Шундайин қўнларга қолганим фасли,
Соҳибқирон бобом келди хотирга.

Менку юртимдаги бир кичик зарра,
Гўё бошқадаси бўлиқ бир дона,
Буюк жаҳонгирни эслар бир қарра,
Замин Осиёда ҳар битта хона.

Дийнатни қаттиқ тугиб ҳар замон,
«Куч — адолатда» дер эди ҳар дам.
Адолат нуруни қосибу дехқон,
Узин манлайида кўрдим мужассам!

Соҳибқирон яшар — ҳақдир барқарор,
Сира ҳам ўқислик кўрмайди инсон.
Қайда мазлумларга етса гар озор,
Адолат қўлини чўзар ўша он...

ЧОРЛОВ

Энг аввало дилдан шукроналар айтсин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса,
Тошга ўйиб битсин муқаддас байтин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Танлаган тоза йўлини кўрсатсин,
Қўриқдек сайроқ тилини кўрсатсин,
Сўнгра қадок бўлган қўлини кўрсатсин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса!

Аму бўлиб оқиб борсин Оролга,
Кўшдек нур берсин сулга, нихолга,
Яланг тўшин тутсин довул, шамолга,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Ўзбекман десину, ғурурга тўлсин,
Бошини мағрур кўтариб қўлсин,
Қизилқўмдай ёниқ юракли бўлсин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Ҳаёти истиқлолга бойлансин,
Юксак парвозларга бугун шайлансин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Сатрларга кўчган туйғулар

Бир қатим эзгу нурга айлансин,
Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

ИССИҚ НОН

Йўқлаб меҳмон келса, ёзиб дастурхон,
Иссиқ нон ушатиб қўямиз дарҳол.
Шодлик қўшисин деб, бўлиб чин мезбон,
Сидқидилдан унга тилаймиз иқбол.

Қадимдир, дўстларим, бу эзгу одат,
Насидан насаса келар бир қасам.
Дўст деб ҳар тилакни эддик ижобат,
Нондек азиз турар бизда дўст одам.

Сабабки бир тишлам нонни Худойим,
Ажр элмиш садоқат, дийдор белгиси.
Ўзбек аёлидан не ажаб доим,
Уфурса тандиру, иссиқ нон иси.

Дўст одам қаердан келса ҳам агар,
Сўйиб топинида ўзбек нонидан.
Тўқсон беш чойидан мириқиб хўлаб,
Сўнгра жой олади хонадонидан.

Топгани буюрган ҳамisha тўйга,
Ўзбеким, таъзимим сенгадир ҳар он.
Ўзинг сизмасанг ҳам ижара уйга,
Қўвониб-қўвониб кутасан меҳмон.

Амизлар, иссиқ нон халқимнинг қалби,
Қўшқўлаб тутайди дўстга доимо.
Мен дўстга интиқан боболар каби,
Иссиқ нон қўлима, келинг марҳабо.

ЧЎЛПОН

Шабнамсевар бир гўл эдим,
Аламийда булбул эдим.
Бир тўғилим, бу дунёга,
Ёронлар қайта келмасан.

Шамол бўлдим бардошмидан,
Ўргилдим дўстлар бошидан.
Ҳарифларни сийлаб-сийлаб,
Хўшмад ила елмасан.

Аламлардан танам ёнди,
Қоғоз ёнди, қалам ёнди,
Қисмат ёнди, олам ёнди,
Қўла бўлдим ҳеч ёқимасман.

Ватан буюк Турон, дедим,
Туронлик зўр увон дедим,
Шу шон дедим, шу жон дедим,
Мен эркаман, мен қўлмасман.

Қўшқўларим юксак авжи,
Ўлмон эдим, суви мавжи.
Қуритмангиз, қуритсангиз,
Қайта бовдан ҳеч тўлмасман.

Ҳаёт асал болдек ширин,
Заҳар ютдим, бирин-бирин.

Юрагимни кемирдилар,
Илонларни дўст билмасман.

Итлар чайнар сўнгимини,
Ёвга берма кесгимини.
Ўзимники ўзгимини
Қирқди, лекин, букчилмасман.

Ўлим бордир бу тақдирда,
Ажал толдим хўр, тақдирда
Бевақт кетдим орангиздан,
Бир ўлдим, қайта ўлмасман.

Ғурур, сурур сийман ёқди,
Истиқлолдан нишон тақдим.
Хўр дийрда руҳим балқиди,
Ёндим дўстлар, ҳеч сўнмасман.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Замонлар уфқида абадий қолмоқ,
Исонларнинг эрур эзгу тиласи.
Интилар юксакка шу нит билан,
Ўлмо-лам тўлаганча унинг юраги.

Бировдан қолади дилгарлик мерос,
Бировдан ёдгорлик бўлур оппоқ нур.
Бировнинг номаси таъна тошидир,
Бировнинг ҳар сўзи миллатга ғурур.

Вожаб, дўст деп, ишонган зотлар,
Қўлини узатса отай деб тошга?
Нўқса дийнатсиз кимсалар қаранг,
Қора чаплармиди сиздек кўншга?

Ўтар бу қўнларда, лаҳза, оиларда,
Ҳайрат ичра қотган шу битта савол.
Сиз эса қалбингиз, сўзингиз билан,
Яшаб келаясиз топмасдан завол.

Юз йиллар сиз учун килрик қоққандай,
Ҳали неча аср яшайсиз бардам.
Бир ёнда Отабек, бир ёнда Қумуш,
Сизга ушбу йўлда бўлажак ҳамдам.

Истиқлол туғгани баланд кўтариб,
Ҳали борадиган йўлингиз олис.
Адабий шон топар ёруғ жаҳонда,
Киминики нияти бўлса гар ҳолис.

Ёруғ умрингизга ҳавасманд буқун,
Сизни ўди деп қулиб юрсанлар.
Босган изингизга эътиди таъзим,
Исонларга соя бўлиб юрсанлар.

Таъзимга келамиз, айтиб тасанно,
Қайта борадиган йўлингиз олис.
Сиз мангу навақирон, қувиб ҳамisha,
Қарига олмасдан йиллар толали.

Сиз шундоқ инсонсиз Қодирий бобо!

Темур УБАЙДУЛЛО.



ИНСОН борки яхши фазилатлар соҳиби бўлишга интилади. Бу борада бизнинг биринчи таянчимиз китобдир. Шу боис, кутубхона ва кутубхоначилар ҳақида қанча кетганда, кўз олдимизга дарҳол ҳар биримизни хушнудлик билан қўлиб олувчи зиякор жаҳонлардаги китоблар гавдаланади. Бука туманининг марказлашган кутубхонасида ана

шундай маърифат нурини тарқатувчилар хизмат қилишади. Улар тарғибот борасида ҳамisha фаолдирлар.

СУРАТДА: мазкур тармоқ услубиётчиси Гулнора Бобожонова қишлоқ кутубхоначилари билан суҳбат ўтказиб қолган суратлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЗОЛДИРНИНГ ЯНГИ ТУРИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиз қончилиқ саноатига золдирлар етказиб берувчи ягона корхона ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган шундай маҳсулотлар ёрдамида қаттиқ тоғ жинслари майдаланмоқда.

Металлургл ҳозирги турини тайёрлашапти. Эн-вақтгача уларнинг икки диликда эса буюртмачи-

ларнинг талаби эътиборга олиниб 120 миллиметр ўлчамлиларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳозирлик қўрилмоқда. Бу янги маҳсулот яқин кунда мижозларга етказиб берилади.

Собир ҲАМИДОВ.

ДУНИЁ АСР бўсағасида

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- ЯМАН Президенти Али Солиҳ Саудия Арабистонига ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан мақсад икки давлат ўртасида чегаравий муаммони ҳал қилишдан иборат.
- КОСОВОЛИК албанлар ўлкага НАТО шафёлигида халқаро тинчликпарвар қўнлар киритилганининг бир йиллигини кенг нишонлашди.
- ФИЛИПИН раҳбарияти «Абу-Сайёф» айирмачиларининг гаровда ушлаб турилган 21 нафар хорижий фуқарони озод қилиш масаласида бу ғуруҳ билан музокаралар ўтказиб қолган ҳукумат вакилини бошқаси билан алмаштириш талабини рад этди.
- ҚОЗОҒИСТОНДА тўртта ҳарбий округ тузилади. Мамлакат хавфсизлик кенгашининг ақинда бўлиб ўтган йилгида мудофаа вазири Сат Тоқпақтоев шунини маълум қилди.
- ЯПОНИЯ бош вазири Иосиро Мори бошчилигидаги либерал демократлар партияси ҳамда унга иттифоқчи бўлган Комэйто партияси вакиллари Окинава префектураси йиғини учун ўтказилган сайловда ғалабага эришди.
- СЪЕРРА-ЛЕОНЕДА жойлаштирилган Буюк Британия десантчилари орасида безгак касалига чалиниш ҳоллари юз бермоқда.
- ЖАММУ ва Кашмир штатида рўй берган автомобиль ҳалокати натижасида Хиндистон қуроли қўнларининг қамиди 37 нафар аскарни ҳалок бўлди ҳамда йиғирмадан зияди жароҳатланди.
- БУТНХИТОИ халқ вакиллари йиғини доимий қўмитасининг раиси Ли Пэн ун қўнлик расмий ташриф билан Белградга келди.
- ФИЖИ ҳарбийлари исёнчилар ўтирган машиналар қаровинини ўққа тўтди. Хабарларга қараганда, қаровонда бўлган исёнчилар раҳбари Жорж Спейтта ҳеч қандай зарар етилмаган.
- ПОЛЬША сўл қўнлар демократик иттифоқи йиғилишида кўзда бўлиб ўтдиган президент сайловидида мамлакатнинг айни пайтдаги раҳбари Александр Квасневски номзодини қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

Олис йиллар қадрини ёши улғайганлар билади, дейишади. Ўша йилларда «Нега бу ишни қилмадим?», «Нега уни бажаролмадим?», «Нега бундай номаъқулчилик қилдим?» деб изтироб чекадилар.

МЕКСИКАЛИК ёқимтой

Ўғилни ҳам боқиб, ҳам кийинтириб, тарбиялади. Ойла-йилдан кейингина машҳур эстрада хонандаси Кристиан Мануэл Вальдесни ота сифатида таниди. Бугун қариб, ҳолдан қолган Вальдес, ўғли билан бирор марта учрашмаган ота етмиш ёшга кирди. Уни деярли ҳеч ким эсламайди. У доим шикоят қилгани қилган: Вероника ҳатто ўғлининг оstonасига ҳам йўлатмасликдан холигани холиган. Вальдеснинг Кристианга ўхшаган ўғиллари эса ўн иккигача.

Шундай қилиб, гўзал Верониканинг иқбол юлдузи шула сонча бошлади. У бирин-кетин ажойиб ва ғаройиб теленовелларда суратга туша бошлади. Аллакхон одамларнинг муҳаббатига сазовар бўлган «Евровий Роза» телесериали унга катта шон-шухрат ато этди. Кейин «Бойлар ҳам йиғлайди», кейин «Кичкина шаҳардаги дўзах» — уларни санаб адо этиш қийин. Айниқса, «Кичкина шаҳардаги дўзах» телесериали анча шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу фильмининг сюжети жуда оддий. Бадавлат жанонининг аёли ёш йигитни севиб қолади. Вероника Кастронинг айтишича бу рол нихоятда ёққан, чунки ёш қизларнинг образини яратиб унинг жонига теккан. Яна бир томони, теленовелла шаҳзонини саҳналар билан тўлиб-тошган. Уни сотиб олган Лотин Америка мамлакатлари, хусусан Ар-

гентида катта норозилик туғилди. Ҳуққрон доиралар очқидан-очик ишқий муносабатлар кўрсатиладиган жойларга тасмадан кесиб ташлашни талаб қилишди. Вероника бунга қарши чиқди. Барибир 160 сериядан иборат янги теленовелла Аргентинада, Коста-Рика, Венесуэла, Колумбия ва бошқа мамлакатларда нихоятда машҳур бўлиб кетди. Мексикада эса 10та энг ахши теленовеллаларнинг ўнинчиси деб эътироф этилди. Лекин режиссёр Бенжамин Каннингнинг айтишича, бу уни асло-асло ташвишга солмайди. Чунки у аллақачон ўзини ўзи қоплаган.

Вероника Кастронинг иш қили нихоятда тизгиз. Соат иккидан кеч тўққизгача суратга тушиб билидан банд бўлади. Сўнгра юзидagi атр-ўпаларини нари-бери артиб, энгил-бошини алмаштириб, иккинчи студиядан ўн биринчи студияга ўтади. Бу ерда «Ла-Токада» тўнги телешоунинг Тоқошларидида катнашади. Шанба, ақшанба қўнлари эса бу иш тонгги икки-ўчларгача қўзилиб кетади. Вероника Кастро оралиқларда пайдо бўладиган ярим соат-бир соатлик вақтда дам олади, холос. Унга ҳатто студиядан

алоҳида хона ажратиб, қаравот, телевизор, зарур ашёлар қўйиб, ётоқхона ҳам қилиб беришди. Унинг эшигининг ҳам тинка мадори қўриб қолади. Бундан ташқари, унинг 22 ёшли ўғли Кристиан, 15 ёшли кенжотий Мишел онасини телевизорда эмас, уйда ҳам қўришга ҳақли. Вероника Кастро бунини жуда яхши тушунади. Лекин кинога ёки фарзандларига бўлган муҳаббатини қай бири устун эканлигини айтмайди.

Вероника Кастро. Унинг номини миллионлаб кино ишқибозлари чексиз муҳаббат билан тилга олишади. Мексиканинг бу гўзали билан келгусида биз ҳам муштахил юртимиз пойтахти Тошкентда учрашасан ажаб эмас. Чунки Вероника Кастро тиниб-тинчимас аёл. Унинг учун санъат бу ҳаёт дегани.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Миднапур шаҳри яқинида машқ ўташ чоғида Хиндистон ҳарбий ҳаво қўнларига қарашли МИГ-27 руслумли қирувчи самолёт ерга қўлаб тушди. Хабарларга қўра, учувчи қатapultа ёрдамида омон қолган. Ҳарбий самолёт қўлаб тушган жойда яшовчи аҳоли вакилларида икки нафари жароҳатланган. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

САММИТ КЕЧИКТИРИЛДИ

14 июнда ўтказилиши мўлжалланган Фаластин-АҚШ саммити бир кунга кечиктирилди. Сингуа ахборот агентлиги қаратган хабарга қўра, 13 июнь кўни Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Сурия президенти Ҳафиз Асад билан видолаш маросимида иштирок этади. Шу муносабат билан, у АҚШга ташрифини бир кун кейинга қолдирган.

МУВАҚҚАТ СУЛҲ

Конго Демократик Республикасининг Кисангани шаҳрида Уганда ва Руанда ҳарбийлари ўртасидаги жанг тўхтади.

Замбия президенти Фредерик Чилубанинг таъкидлашича, 11 июнь кўни Уганда ва Руанданинг ҳарбий раҳбарлари учрашув ўтказиб, олти кун давомида ўт очишни тўхтатиб туришга келишиб олган. Бу вақт давомида томонлар узаро келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишди.

10 июнь кўни Ф. Чилуба Уганда ва Руандада бўлиб, ушбу мамлакатлар президентлари билан музокара ўтказган ва уларни можарони тинч йўл билан ҳал қилишга чақирган эди.

(ҲАҲОН ОММАВИЙ
АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХАБАРЛАРИ
АСОСИДА
ТАЙЁРЛАНДИ).

